## Пародиялар

### СУПЕРСУРАТ

*? - ўттизинчи йиллар сурати,*
*? — эллигинчи йиллар сурати,*
*? — саксонинчи йиллар сурати...*
*Энди Сиз айтинг*
*Яна ненинг суратидир ул?*

Берди РАҲМАТнинг «Сурат» шеъридан

**? — деҳқоннинг ўроғин сурати,**
**? — жавобнинг сўроғин сурати,**
**? — бошлиқнинг қулоғин сурати,**
**Энди Сиз айтинг,**
**Яна ненинг суратидир ул?**

**? — фойдаси анча салтанатга,**
**? — илгак бу, асосиз баландга,**
**? — рости гап, ёпишар талантга,**
**Энди Сиз айтин,**
**Яна ненинг суратидир ул?**

**? — нимадир кийганинг сурати,**
**? — нимадир еганнинг сурати,**
**? — нимадир деганнинг сурати,**
**Энди Сиз айтинг,**
**Яна ненинг суратидир ул?**

**? — гўзал санамнинг юзидаги ҳол,**
**? — жавобсиз севгига ягона тимсол,**
**? — парти кетиб шарти қолган чол,**
**Энди Сиз айтинг,**
**Яна ненинг суратидир ул?**

### КЎРИНМАЙСАН

*Сени излаб пушаймонман,*
*Оҳ, кимларни учратдим.*

Усмон БЕКнинг "Пушаймонлик" шеъридан.

**Сув камайса тош кўринади,**
**Соч тўкилса бош кўринади,**
**Ювиш деса ош кўринади,**
**Излаганим, сен кўринмайсан**

**Елинлар бор, кана кўринар,**
**Кўйлаклар бор, тана кўринар,**
**Баъзи жойлар чала кўринар,**
**Излаганим, сен кўринмайсан**

**Кўпроқ есам эт кўринади,**
**Кўпроқ десам бет кўринади,**
**Калта кийсам кет кўринади,**
**Излаганим, сен кўринмайсан...**

### «САДОҚАТ»

*Хиёнат қил десанг — қилурман,*
*Жиноят қил десанг — қилурман.*

М.БОБОЕВнинг "Хиёнат қил десанг..."шеъридан.

**Кув, десанг қуваман,**
**Юв, десанг юваман.**
**Қонун менга гапларинг,**
**Бўғ, десанг бўғаман,**
**Чўзил, десанг чўзилай,**
**Узил, десанг узилай,**
**Рухсат берсанг жонгинам,**
**Бошқага ҳам сузилай.**

### ХОМТАЪМА

*Қани энди, сочинг бўлсам,*
*Белларингда тўлғанар эдим.*

Сувон СОҚИЙнинг "Илтижо" шеъридан.

**Қани эди кўзинг бўлсам,**
**Сузар эдим саҳал бежо.**
**Кераги ҳам бўлмас эди,**
**На таввало на илтижо.**

**Ақлинг бўлсам кошки эди,**
**Хаёлингни бузар эдим.**
**Ундоқ - бундоқ қиламан деб,**
**Кўп режалар тузар эдим.**

**Лабинг бўлсам мабодо мен,**
**Ўпар эдим чўлпиллатиб.**
**Роса завққа тўлар эдим,**
**Елкамни хўп қилпиллатиб.**

**Қўшнинг бўлсам ашъоримни,**
**Ўқитардим чақиртириб.**
**Шеърни ёзган "шўх" шоирнинг,**
**Чўз қулоғин бақиртириб!**

### БЕУСУЛ

*Ёки сув*
*ёки сувдаги жароҳат*
*ёки сувга чўкиб кетган туйғулар*
*ёки денгизнинг денгиз ҳақидаги ўйи*
*ёки бармоқ изи қўл остидаги*

Гўзал БЕГИМнинг "Ёки" шеъридан

**Ёки дами йўқ коптoк**
**ёки шунчаки тап-тап**
**ёки ортидан чоп-чоп...**

**Ёки ёпиқ эшикдир**
**ёки таги тешикдир**
**ёки сичқон мушукдир**

**Ёки таклиф ўртага**
**ёки англаш эртага**
**ёки ёзган жўрттага**

**Ёки пайпоқмас чулки**
**ёки бўримас тулки**
**ёки буям бир кулги**

**Ёки дарди бор касал**
**ёки янгича ғазал**
**ёки ким билсин, масал**

**Ёки бу энг зўр баён**
**ёки ҳозир шундоқ, боқсанг қаён**
**ёки ҳарқалай ёзганга аён**

**Ёки ўнг эмас чап-ку бу**
**ёки қуп-қуруқ гап-ку бу**
**ёки янги усул, лоф-ку бу.**

**Абдураззоқ ОБРЎЙ**

## Кўргазма



Акмал Нурнинг "Қурбонлик", Мухторжон Исохоновнинг "Ой тутилганда", Аслиддин Исаевнинг "Можаро", Ориф Муиновнинг "Тумор" картиналари ва ўнг томондаги Журат Раҳмоннинг "Учлик" (кўр, кар, гунглар), Махсуд Тохтаевнинг "Ғурумсаройдан бошланган саёҳат" триптихи ва М.Бородинанинг "Қафас" композициялари ўртадаги асар ғоясини узвий тўлдириб боради. Кўргазманинг чиқиш жойига ўрнатилган картина эса томошабинни ёруғлик сари бошлайди.

# «СЕЙСМОГРАФ»

Ўзбек маданияти ва санъатини қўллаб-қувватлаш Швецария ҳамкорлик тизими томонидан шу кунларда Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида "Сейсмограф" номли тасвирий санъат кўргазмаси ўтказилмоқда. Унда юртимиз мўйқалам соҳибларининг 1985-1995 йилларда чизилган ижод намуналари жой олган бўлиб, халқимизнинг авторитар тузум асоратларидан ёруғликка чиқиш туғёнлари "ҳикоя" қилинади. Кўргазма марказида моҳир рассом В.Криловнинг "Садо" деб аталган иккилик асари акс топган, иккинчи қисмда ўша тузумдан мерос қолган, унинг кўр-кўрона таълимоти таъсирида шаклланган халойиққа термилиб турган "раҳнамо"нинг сиймоси ёритилган. Асар ана шундай тарзда ўша йиллардаги мураккаб вазиятни, халқ орасидаги ўтмишга нафрат ва келажакка бўлган орзу-умидларни ҳаққоний акс эттирган. Ушбу асардан чапда жойлашган



Кўргазма тасвирий санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирмоқда. Шунинг учун бўлса керак, улар кўргазма ташкилотчилари — Швецария ҳамкорлик тизими, Швецариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Бадиий академияси жамоасига ташаккур билдириб, янги лойиҳаларни амалга оширишларида муваффақиятлар тилайди.

**Ҳамид АБДУРАЙИМОВ**

## Қилмиш

# ТУНГИ ЧИНҚИРИҚ

Ёзнинг салқин оқшоми эди. Тошкент-Сирдарё электронпоезди манзилга тобора яқинлашмоқда. Йўл ёқасидаги симёғоч ва дарахтлар тизилиб ортда қолмоқда. Тошкентдан бозор-ўчар қилиб қайтаётган йўловчилар кун бўйи югур-югурдан чарчаган шекилли, баъзиларининг кўзлари илинаёзган. Поезднинг кучли сигналидан ҳамма бирдан сергак тортди. Саноқли дақиқалардан сўнг поезд ғийқиллаб тўхтади. — Ҳаммаси тамом, — деди машинист А.Тўрақулов. — Поезд бир йўловчини босиб кетганди. Электропоезд кабинасидан тушаркин, машинист зудлик билан яқиндаги Янгийўл бекатига юз берган воқеа ҳақида хабар бергани шошилди.

Марҳум Янгийўл шаҳрига суд тиббий экспертизадан ўтказиш учун жўнатилди. Мутахассислар марҳум 13 марта пичоқ уриб ўлдирилганлиги ҳақидаги хулосани беришди.

* * *

"Жанубий вокзал"да ўғлини кўрган Ҳайдарали ака ҳайрон қолди.

— Ишга бормай, нимага дайдиб юрибсан?

— Ота, иш оғирлик қилди. Бошқа иш топмоқчиман. Бунинг устига маоши ҳам кам.

— Ҳозирги даврда отнинг калласидек маошни қаердан топасан?

— Ўзингиз биласиз, ота, маошим ишга бориб келиш ва тушлик учун ҳам етмаяпти. Рўзғор тебратишга-ку...

Фарҳоднинг юзлари тирналганини кўрган Ҳайдарали аканинг кайфияти бузилди. У ўғлининг кўп ичишини яхши биларди.

— Яна бир касофат ишни бошламадингми? — деди жиддий оҳангда.

— Йўқ. Кеча ўртоқлар билан сал ёқалашиб қолдик.

Отанинг асаби яна бузилди.

— "Ўтириб келиб" ҳам кўзинг очилмади сен боланинг. Уйлансанг, босилиб қоларсан, дегандим. Бироқ одам бўлмадинг. Мени ўйламасанг ҳам, оилангни ўйласанг-чи? Қизинг бор, йўлингга кўз тикадиган. Сендан хотинингнинг умидлари катта. Ҳовли-жой қилсак, дейди бечора. Сен эса...

Ота ўғлига ана шундай насиҳат қилиб турганда катта ўғли Фахриддин ҳовлиқиб келиб қолди.

— Фарҳод, сени бир гуруҳ милиция ходимлари қидириб келди. Тинчликми, биров билан жанжаллашмаганмидинг кеча?

— Йўқ.

Бу хабарни эшитган Фарҳоднинг ранги оқариб кетди. Кўз олдида кечаги мудҳиш воқеа намоён бўлди. Ўзича пичирлади: "Ҳаммасини билишибди".

* * *

... Фарҳод ўша куни уйидагиларга: "Ишга кетаяпман. Эртароқ қайтишга ҳаракат қиламан", — деди. Хотинидан пул олиб уйдан чиқиб кетди. Катта йўлга чиққанида ароқ кўтарган кишини кўриб, ўзича унга ҳавас қилди. "Уйига бориб мазза қилса керак!".

Ҳавас уни дўкон томон етаклади. Икки шиша вино олиб, Янгийўлдаги ғишт заводига бориш учун йўлга отланди. Ўзича ўйлади: "Зора у ерда эски улфатларни учратсам, бир мазза қилардик". Йўналиш бўйича қатнайдиган таксидан тушиши биланоқ бир йўловчига дуч келди. Фарҳоднинг виносини кўрган одам:

— Ука, улфат кўринасан. Бир эримайсанми? — деди.

— Стакан топсангиз. Бир дардлашардик.

Сўнг икки улфат танишишди.

— Менинг исмим Абдуғани.

— Меники Фарҳод.

Гап гапга қовушди. Суҳбат нарх-наводан тортиб дўстликкача бориб етди. Бир дона стакан билан газакни олган икки улфат автобус бекатининг орқа томонига ўтишди. Яна суҳбат авж олди. Шу орада Сирдарё-Тошкент электропоезди ҳам ўтиб қолди. Бунга улар эътибор ҳам беришмади. Иккинчи шиша бўшашига озгина қолганда Абдуғанининг феъли айниди.

— Сен мени ким деб ўйлаяпсан? Икки шиша винонгни миннат қилаяпсанми? — деб чўнтагидаги пулни кўрсатди.

— Гап винода эмас. Ичаман десанг яна олиб келишим мумкин, — мағрурланди Фарҳод.

— Пулинг билан мақтанма, — деди-ю Абдуғани Фарҳоднинг юзига мушт туширди. Ҳақиқий жанг шундан сўнг бошланди. Фарҳод ҳам улфатини аяб ўтирмади. Рақибига кучи етмаслигини сезган Абдуғани ёнидаги пичоғини ялонғочлади. Ёши бир жойга бориб қолган Абдуғани қўлида пичоғи бўлишига қарамасдан вино кайфидан ўзини тутиб тура олмасди. Фарҳод эса бир ҳамла билан рақибининг қўлидаги пичоқни олди-ю, унинг тўғри келган жойига ура бошлади. Кўп ўтмай қонга беланган Абдуғани тинчиб қолди. Фарҳод қотилликнинг изини йўқотиш учун марҳумни унча узоқ бўлмаган поезд йўлидан судраб ўтиб чуқурга ташлаб юбормоқчи бўлди.

У мурдани судраб темир йўлдан ўтказмоқчи бўлганида Абдуғанининг кийими рельснинг бир жойига илиниб қолди. Фарҳод ҳарчанд уринмасин, мурдани жойидан силжита олмади. Шу пайт кучли сигнал билан зулматни ёриб Тошкент-Сирдарё электропоезди келарди. Фарҳод мурдани ташлади-ю бекат томон чопиб кетди. Кўп ўтмай поезднинг чинқириб тўхтагани эшитилди.

* * *

Яқинда Фарҳод Асқаровнинг бу қилмиши жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судида кўриб чиқилиб, у 18 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

**Фурқат ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент транспорт прокуратурасининг терговчиси**

# ИШОНМАСАНГИЗ... ЎҚИБ КЎРИНГ!

Журналистлар, матбуотчилар ва ноширларнинг ягона касб журнали — "Ўзбекистон матбуоти"нинг янги сони тандирдан узилди.

Севимли журналимиз саҳифаларида бир-биридан қизиқарли мақолалар талайгина. Хусусан, А.Эгамназаровнинг Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги қошидаги Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази раҳбари, юридик фанлари номзоди Бобоқул Тошев билан қилган суҳбатидан қуйидаги фикрлар ўрин олган: "Ҳозирги талаб шундайки, матбуот ходими нимани ёзса ёзсин, фақат қонунга итоат этсин. Бугунги оммавий ахборот воситасининг ходими ниҳоятда билимдон, сиёсий хушёр, ўз устида тинмай ишлайдиган инсон бўлиши керак.

Ҳ.Саидовнинг америкалик журналист, Нортистерн университети журналистика мактаби профессори Николас Данилофф билан қилган суҳбати "Бизда цензура бўлмаган" деб номланади. Америкалик ҳамкасбимиз юқоридаги суҳбатида тилга олган мана бу гаплар сизни ҳам қизиқтириши шубҳасиз: "Албатта, ҳукуматнинг журналистларни ҳурмат қилишини қозониш керак. Агар сиз — журналистлар нотўғри, бўлмаган гапларни ёзсангиз ёки фақат сенсацияга ёпишсангиз, туҳмат қилсангиз сизларни ҳурмат қилишмайди".

Аспирант Г.Раҳматқориева "Тележурналистика ва ҳужжатли тадқиқот" деб номланган мақоласида тележурналистика услублари ривожини тадқиқ этса, О.Ниғматова билан Ҳ.Бобохонова матбаачиликда қўл келаётган "Рақамли технологиянинг афзаллиги"ни таърифлашади.

Амалиётчи олим А.Абдуқодиров ўзининг "Эркинлик мантиқлари" деб номланган мақоласида замонавий матбуотимиз муаммоларини очиб ташлайди: "Баъзи оммавий ахборот воситаларида танқидий маъно, фикр, услуб ва жанрнинг ҳаддан ташқари кўримсиз бўлиб кетгани кишини ташвишга солади, зеро бу ҳолатда матбуотнинг энг асосий принципларидан бўлган объективликка риоя қилинмаётгани маълум бўлади. Натижада эса ушбу воситага истеъмолчи, ўқувчи ё томошабиннинг ишончи йўқолади".

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Мақола нега ёзилмади? Ёки калтакланган йигит, арзнома ва "5 W" қоидаси сарлавҳали мақоласи ҳаётий тажриба асосида ёзилган бўлиб, унда журналист ўрганишга киришган мавзусини ипидан-игнасигача суриштириши лозимлиги, ҳар бир деталга шубҳа билан қарамоғи ҳам ўз ўрнида фазилат эканини таъкидлаган.

Шунингдек, яна ҳамкасбларимиз ҳақидаги ажойиб ҳангомалар, жажжи тадқиқот ва мутойибалар, мухлислар мулоҳазалари ҳамда дилрабо шеърлар ҳам журнал саҳифаларидан жой олган. "Ўзбекистон матбуоти" журналининг янги сони мутолааси асносида турфа хил фикр-мулоҳазалар билан ошно бўласиз, уни мутолаа қилишга сарфланган вақтингизга ачинмайсиз.

Ишонмасангиз... ўқиб кўринг!

**Норали ОЧИЛОВ**

## Оғриқ

# ЯЛАНҒОЧ КУЛГИ

Сўнгги уч-тўрт йил мобайнида матбуотимиз сон жиҳатдан шу қадар ўсдики, эндиликда янги ташкил қилинаётган газеталар тузукроқ ном топиш учун ҳам анча бош қотиришмоқда. Балки бу бизнинг ютуғимиздир, аммо кичик-кичик муаммолардан ҳам холи эмас улар.

Бу муаммоларни санаб, уларнинг бошида таёқ синдириш орзусидамас, балки фикр айтиб, мулоҳазага чорламоқчимиз холос.

Энди матбуотимиздан "Жойини топишга қийналаётган шеърият", "Уйқуни қочирадиган суратлару, воқеий ҳодисалар", "Қаҳрамонликка чорловчи қотилligу жиноятлар ҳақидаги ҳикоялар" бошқа мавзу. Мулоҳазамиз марказий газеталарнинг сўзларни бўғинга ажратишдаги муаммоларидан кўз юмган ҳолда, пул топиш учун нашр этилаётган газеталарнинг ажралмас бир қисмига айланган "хандалар" ҳақида.

Қўлимга тушган бир газетанинг хандаларини ўқиб, роса кўнглим хижил бўлди. Агар бу хандаларни бирор ўртоғимдан эшитганимда, ростакамига тарсаки тортиб юборардим.

Мана, хандаларнинг маъноси: Бир аёл беҳаё кино кўриб ўтирганида, ўғли қаҳрамонларни нима иш билан машғуллигини суриштириб, бир амаки беморини даволаётганини билиб олади ва Қўшнимиз Ванянинг аяси ҳам бетоб чоғи, сиз йўқлигингизда дадамдан шу хилда даволаниб кетмоқда, дейди.

Яна бирида: Бир аёл хуштори билан ётганда телефони жиринглаб, эри ҳозир хотинининг қўйнида ётган одам билан шахмат ўйнаётганини айтади.

Бошқасида: Бир жабрдийда қиздан "Нега сизни зўрлашаётганда бақирмадингиз?" деб сўрашганида, жабрдийда қиз жиноятчи бақирсанг қочиб кетаман, деб қўрқитганини айтади. Мана, сизга кўча-куй эмас, минглаб инсонлар ўқийдиган газетада чоп этилаётган хандалар!

Инсонларни кулдириш учун шу хилдаги хандалар зарурмикин...?

**Даврон ТОШТЕМИРОВ**

Voice of America

# Америка овози

www voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*

*Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.*

*«Америка овози»*

*радиосини қисқа тўлқин — УКВ*
*17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;*
*20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,*
*шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда*
*ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.*

VOA

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368*
*uzbek@voanews.com*

## Ҳажвия

# ҒАРОЙИБ КАСАЛЛИК

**АНТОН ЯСЕН (Булғория)**

Кунлардан бир куни мени кутилмаганда юрак хуружи безовта қилиб қолди-ю, бир таниш доцент ўртоғимнинг олдига бордим.

Менинг юрагимни текшира туриб:

— Сенинг яшаш тарзингда бу касалликнинг бўлиши муқаррар, — деди. Ва менга дори ёзиб берди. — Бу дори бошингни оғритиши мумкин, лекин сен ташвишланма, — дея қўшимча қилди.

Уйга етиб келишимни биламан, бир пайт бошим шунақанги оғридики, ҳеч қўяверасиз. Бош оғриғига чидай олмасдан ўртоғимга телефон қилдим. Буни эшитган доцент хандон отиб кула бошлади. — Сенга айтган эдим-ку, — кулгида давом этди у, — мен бунинг жуда кўп марта гувоҳи бўлганман, оғайни.

Хуллас, ундан кейин у менга "Саридон" дорисини ичишимни тавсия қилди. Вой тавба, энди бу доридан бош оғришидан халос бўлиб, қорин оғриғига дучор бўлдим.

Бундан хабар топган ўртоғим: "Жуда ажойиб!" — деди ҳаяжонини яширмай. — Худди шундай бўлиши керак эди! Кўп миқдорда қабул қилинган "Саридон" ҳар доим гастрит ёки калитга олиб келади. Демак, энди, жўра, сени номи улуғ дори-дармон бўлмиш "Солазарин" билан даволай қоламиз.

У мени шу дори билан даволай бошлаган эди, натижада қўлларимда тошмалар пайдо бўлди. — Мен буни кутмаган эдим, — деди ҳайрон бўлиб доцент, — ҳим, майли, ҳеч зарари йўқ! Энди тошмаларга "Аллергазан" билан ҳужум бошлаймиз.

Бу ҳужумдан сўнг икки ҳафта ўтар-ўтмас, ғаройиб ҳодиса юз берди. Ўнг кўзим шишиб кетса бўладими. — Жуда антиқа иш бўпти-ю, "Аллергозан"нинг кўзга таъсирини биринчи маротаба кўришим. — Бу қизиқ ҳол, албатта, — деди доцент.

Кейин у менга қанақадир сурги дорисини ёзиб берди. Натижада ўнг қулоғим умуман эшитмай қолди.

— Сургининг таъсири эмас бу, — деб мени ишонтирмоқчи бўлди у.

— Бундай ҳолни тажрибамда биринчи марта кўришим.

Хуллас доцент яна алланималарни тавсия қилгандан сўнг менинг тишим оғрий бошлади.

Оғриқнинг зўрига чидай олмасдан қандайдир доридан ичдим. Сўнг бу дориларнинг таъсириданми, ҳушимдан кетиб йиқилдим ва оёғимни синдириб қўйдим.

— Ажабо! — қичқирди доцент, гипсланган оёғимга қараб. — Наҳотки, тиш оғриғи чўлоқликка олиб келса. Фанда ҳали бу исботланмаган.

Шундан сўнг, у ўйланиб туриб деди: — Касалинг жуда нодир касал чиқиб қолди-ку. Ўзинг ўйлаб кўр, бу қурғур ҳаммаси юрак хуружидан бошланса-ю... Буларнинг ҳаммасини йиғиб медицина соҳасида илмий янгилик қилмасам, фан мени кечирмайди.

У буларнинг ҳаммасини ёзиб тўплади-ю, тиббиёт фанидан докторлик илмий ишини ёқлаб, профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди.

**Насриддин БОТИР таржимаси.**

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

*Бош муҳаррир:* **Амирқул КАРИМОВ**

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРОВ (масъул котиб), Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72, 41-49-91.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Отабек ОРТИҚОВ
Мусаҳҳиҳ: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 166
Адади: 3781

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.